

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАРКАЗИЙ БАНИКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

516 Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 июндаги 189-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 5 октябрь,
78-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 5 октябрь,
2016-34-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 5 октябрь,
341-В-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг
2016 йил 5 октябрдаги 78, 2016-34 ва
341-В-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек
харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини
ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа
тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ–4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 23 декабрдаги 357-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси деб юритилади) харажатларини қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ва ташкилотларнинг пенсия, нафақа, 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, хомийга) қўшимча дам олиш куни учун тўлов ва уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига ком-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

пенсация пул тўловларини (бундан буён матнда пенсия ва нафақалар деб юритилади) амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ягона ижтимоий тўлов, шунингдек фуқаролар суғурта бадалларининг солиқ тўловчилари, солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган базаси, имтиёзлар, уларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

2. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари ставкалари, шунингдек ягона ижтимоий тўловнинг Пенсия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида тақсимлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

2-боб. Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш

3. Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш тўловчи томонидан ҳисобот оғи учун ҳисобланган иш ҳақи фонди ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда амалга оширилади.

Ягона ижтимоий тўлов ташкилотлар томонидан пенсия ва нафақалар, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ва санаторий-профилакторийларнинг таъминоти учун бирор-бир чегирмаларсиз ҳисоблаб ёзилган сумманинг тўлиқ ҳажмида ўтказилади.

4. Ягона ижтимоий тўловни тўлаш учун маблағлар тўловчилар томонидан фермер хўжаликлари, микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек тўловчиларнинг бошқа тоифалари бўйича алоҳида Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2771, 2016 йил 30 март) белгиланган тартибда Ягона ғазна ҳисобварағига (бундан буён матнда ЯҒҲ деб юритилади) ўтказилади.

5. Иш куни давомида ЯҒҲга келиб тушган ва даромадлар бўйича тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларида акс эттирилган ягона ижтимоий тўлов суммалари шу иш куни давомида қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда автоматик тарзда қуйидаги тартибда ажратма қилинади:

Пенсия жамғармасига;

Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига;

қасаба уюшмалари ҳудудий бирлашмаларига.

6. Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратмаларнинг бир қисми кўринишида келиб тушган маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 апрелдаги 117-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва

улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда тақсимланади.

7. Касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмаларига ягона ижтимоий тўлов бўйича ажратмаларнинг бир қисми кўринишида келиб тушган маблағлар қуйидаги тартибда фойдаланилади:

келиб тушган маблағлар умумий миқдорининг 70 фоизи касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмалари тасарруфида қолади ва касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмалари томонидан тасдиқланган бюджетларга мувофиқ сарфланади;

келиб тушган маблағлар умумий миқдорининг 30 фоизи Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига, маблағларни кейинчалик белгиланган тартибда сарфланиши учун ўтказилади.

8. Ташкилотларнинг ходимларидан даволаниш ва дам олишга йўлланмалар учун қисман ундириладиган маблағлар хизмат кўрсатувчи банклар томонидан касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмаларининг иккиламчи депозит ҳисобварақларига кирим қилинади, келиб тушган маблағлар кейинчалик мазкур Низомнинг 7-бандида белгиланган тартибда тақсимланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳар куни ягона ижтимоий тўлов бўйича келиб тушган маблағларга оид маълумотлар электрон шаклда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилади.

3-боб. Қонунга мувофиқ Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш бўйича суммаларни тўлаш

10. Пенсия жамғармасига Қонуннинг 12-моддаси «б» банди ва 14-моддасига мувофиқ, шунингдек ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсияларини тўлашга кетган харажатларни қоплаш Қонуннинг 66-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари Қонуннинг 12-моддаси «б» банди ва 14-моддасига мувофиқ, шунингдек ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсияларини тўлашга кетган харажатлар тўғрисидаги Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ташкилотларнинг шахсий карточкаларига ҳисоблаш киритади.

11. Ташкилотлар ҳар йили 1 февралга қадар ходим Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига етгунига қадар Қонуннинг 12-моддаси «б» бандига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлашга кетган олдинги йил учун Пенсия жамғармасининг ҳақиқий харажатларини тўлиқ қоплайди.

Агар кўрсатиб ўтилган пенсияларни тўлашга олдинги йил учун Пенсия жамғармасининг ҳақиқий харажатлари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил

23 декабрдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига мувофиқ аниқланадиган қоплаш учун зарур суммаларнинг минимал миқдоридан кам бўлса, қоплаш учун зарур суммаларнинг минимал миқдори тўланади.

Ташкилотлар ҳисобот ойининг 1 февралидан кечикмаган ҳолда, улар солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳисоб-китобни тақдим этади.

12. Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари ҳар ойда Қонуннинг 12-моддаси «б» бандига мувофиқ пенсия тўланган ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар ташкилот солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтган ойда пенсияларни тўлашга кетган харажатлар ҳақида маълумотни тақдим этади.

Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, тақдим этилган пенсияларни тўлашга кетган харажатлар ҳақида маълумот ташкилотларнинг шахсий ҳисоб рақамлар карточкасида мазкур Низомнинг 11-бандида кўзда тутилган муддатда тўланиши лозим бўлган сумма сифатида акс эттирилади. Бунда ҳисоб-китоб бўйича тўланиши лозим бўлган сумма тўланган пенсия суммасидан кам бўлиши мумкин эмас.

13. Ташкилот солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган меҳнат шарт-шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳат етказиш хавфи бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижаларининг давлат экспертизасидан ўтган ташкилотлар ҳисоби тўғрисидаги маълумотлар асосида давлат солиқ хизмати органларини мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳисоб-китобни топшириши лозим бўлган ташкилотлар ҳақида хабардор қилади.

14. Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари ҳар ойда Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ пенсия тўланган ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларига ишсиз мақомига эга бўлган шахсларга муддатидан олдин пенсиялар тўлашга кетган харажатларни қоплашга бўлган суммалар тўғрисидаги маълумотни тақдим этади.

Бир вақтнинг ўзида маълумот ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари ҳар ойда Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ тайинланган пенсиялар тўлови амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг ўн бешинчи санасидан кечиктирмасдан ушбу харажатларни қоплайдилар.

16. Пенсионер ҳисобда турган жой бўйича Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги оқибатида тайинлан-

ган боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсиялари тўланган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими ҳисобда турган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларига амалга оширилган харажатлар тўғрисида маълумотларни етказадилар.

17. Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсиялари суммалари ташкилотлар томонидан мазкур пенсиялар тўланган бутун даври учун қопланади.

Харажатлар тўлови ҳар ойда пенсия тўланган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

Кўрсатиб ўтилган харажатларни қоплаш бўйича қарздорликлар белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 декабрдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширади.

18. Пенсияларни тўлашга Пенсия жамғармаси харажатларини ташкилотлар томонидан қопланиши 200110 маблағлар манбаси ва даромадлар кодлари билан даромадларнинг қуйидаги шахсий ғазна ҳисобварақларига амалга оширилади:

3999059 — ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсиялари бўйича;

3214102 — Қонуннинг 14-моддасига асосан тайинланган пенсиялар бўйича;

3214101 — Қонуннинг 12-моддаси «б» бандига асосан тайинланган пенсиялар бўйича.

19. Иш куни давомида ЯФХга келиб тушган ҳамда 200110 маблағлар манбаси ва 3999059 даромад коди билан даромадларнинг тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларида акс эттирилган қопланадиган суммалар шу иш куни давомида қуйидаги улушларда ажратма қилинади:

маблағларнинг 85 фоизи Пенсия жамғармасининг даромадига ажратма қилинади;

маблағларнинг 15 фоизи Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари учун очилган 200110 маблағлар манбаси ва 3214104 даромад коди билан даромадларнинг тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига Пенсия жамғармаси ва Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ходимларини ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш мақсадида ажратма қилинади.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳар куни Пенсия жамғармаси маблағларини қопланиши бўйича келиб тушган маблағларга оид маълумотлар электрон шаклда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилади.

21. Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги оқибатида тайинланган боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсияларини тўлашга кетган харажатлар бўйича қарздорлиги мавжуд ёки Қонуннинг 12-моддаси «б» бандига асосан тайинланган пенсияларни тўлашга кетган харажатларни қоплаш учун ҳисоб-китоб тақдим этувчи ташкилот тугатилаётганда тугатувчи Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларидан олинган маълумотларга мувофиқ тугатилаётган ташкилот солиқ ҳисобига қўйилган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларига кўрсатиб ўтилган пенсияларни тўлашга кетадиган кейинги харажатларни ажратмалар амалга оширилаётган санадаги пенсия миқдорини ҳисобга олган ҳолда капитализация қилиш учун тегишли ҳисоб-китобларни тақдим этади.

4-боб. Ташкилотлар томонидан пенсия ва нафақалар тўлови бўйича харажатларни амалга оширилиши

22. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари ташкилотнинг талабномасига мувофиқ пенсия ва нафақалар тўловлари учун маблағларни молиялаштиради.

Ташкилотлар томонидан Харажатларни тўлашга Пенсия жамғармасидан маблағларни олишга талабномалар (бундан буён матнда талабнома деб юритилади) мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда қоғозда ёки электрон шаклда электрон ҳужжатга доир талабларга риоя этилган ҳолда мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ тақдим этилади.

Талабномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик ташкилот зиммасига юклатилади.

23. Ташкилотлар кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечиктирмасдан ташкилот солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига талабномаларни тақдим этадилар. Тугалланмаган бухгалтерия балансига эга ташкилотлар бўйича талабномалар бош ташкилотлар томонидан улар солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига тақдим этилади.

Бунда, бола туғилганда бериладиган ва дафн этишга бир марталик нафақалар олишга талабномалар бола туғилган кундан ёки шахс вафот этган кундан бошлаб 6 ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши лозим.

Талабнома ўрнатилган тартибда раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахс, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс, шунингдек ташкилотнинг Ижтимоий суғурта бўйича комиссия раиси томонидан имзоланган бўлиши лозим. Электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган ташкилотлар талабномалари ташкилот раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Агар талабномани қабул қилиш муддатининг сўнгги куни дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган ҳолларда, кейинги иш куни талабномани қабул қилиш муддатининг сўнгги куни ҳисобланади.

Тақдим этилган талабномалар Пенсия жамғармасининг ахборот тизими

маълумотлари билан таққосланади, зарур бўлганда ташкилотлардан пенсия ва нафақалар тўловларини амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланган бирламчи ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин.

24. Биринчи маротаба талабнома билан мурожаат қиладиган ташкилотлар Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида қайд этилади ва ҳар бир ташкилот бўйича талабномалар ва бошқа тегишли маълумотлар учун алоҳида электрон карточка очилади.

25. Талабнома мазкур Низомнинг 28-бандида белгиланган ҳолатлардан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан қабул қилинади. Қабул қилинган талабнома Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида қайд этилади.

26. Талабномаларнинг тўғрилигини ўрганиш мақсадида Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимида Талабномалар асослигини текшириш бўйича комиссия (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) тузилади.

Комиссия қуйидаги таркибда ташкил этилади:

Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи — комиссия раиси;

Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи ўринбосари — маблағларга эҳтиёжни аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи сектори раҳбари — комиссия раиси ўринбосари;

маблағларга эҳтиёжни аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби сектори бош инспектори (бош бухгалтер) ва инспектори — комиссия аъзолари.

27. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи топшириғига асосан қоғозда тақдим этилган талабнома Комиссия томонидан қуйидаги талабларга асосий эътибор қаратилган ҳолда кўриб чиқилади:

талабнома тузилиши ва расмийлаштирилиши белгиланган шаклга мувофиқлиги, шунингдек масъул шахсларнинг имзолари ва ташкилотнинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) мавжудлиги;

талабнома ва мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Пенсия жамғармасидан пенсия ва нафақалар тўлови учун маблағ олишга ташкилотнинг ходимлари реестрининг (бундан буён матнда реестр деб юритилади) мувофиқлиги, тўловлар амалга ошириш учун асос бўлган бирламчи ҳужжатларнинг (зарур ҳолларда) мавжудлиги;

тўлов амалга оширилиши талаб қилинган сумма ва саналарнинг мувофиқлиги;

талабномадаги маълумотларнинг Пенсия жамғармаси ахборот тизимида тўғри киритилганлиги.

Қабул қилинган талабномалар Комиссия томонидан ҳар ойнинг ўн иккинчи санасидан кечиктирмай кўриб чиқилиши лозим.

Электрон шаклда тақдим этилган талабномалар зарур ҳолларда комиссия томонидан фақат Пенсия жамғармасининг ахборот тизими билан таққослаш имконияти мавжуд бўлмаган тўловлар қисми бўйича кўриб чиқилиши лозим.

28. Ташкилот томонидан тақдим этилган талабнома қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

қоғозда тақдим этилган талабнома белгиланган шаклда расмийлаштирилмаганда, шунингдек унда масъул шахсларнинг имзолари ва ташкилотнинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) бўлмаганда ёки расмийлаштирилгандан сўнг унга ўзгартириш ва тузатишлар киритилган бўлса;

қоғоздаги талабномага реестр илова қилинмаганда;

талабнома ва илова қилинган реестр суммалари ўртасида фарқлар мавжуд бўлганда;

888 шартли ҳисобварақлар рақамида (бундан кейин матнда ШХР деб юритилади) иккиламчи ҳисобварағи мавжуд бўлмаган тақдирда (бюджет ташкилотлари бундан мустасно);

электрон талабнома ташкилот раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланмаганда;

бирламчи хужжатлар талаб қилинганда ташкилот томонидан уларни тақдим этиш рад этилганда;

талабнома белгиланган муддат ўтгандан сўнг тақдим этилганда.

29. Комиссия томонидан Пенсия жамғармаси ахборот тизимида тасдиқланган талабнома Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маблағларга эҳтиёжни аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби секторига ижро ва тўловни молиялаштириш учун юборилади.

30. Қабул қилинган талабномалар бўйича ташкилотларнинг жамланма талабномаси тузилиб, у Комиссия аъзолари томонидан Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида тасдиқланади.

31. Жамланма талабномалар Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари кесимида жамланади ва ҳар ойнинг ўн бешинчи санасига қадар Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи ҳамда Пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги бўлими бошлиғи томонидан Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида тасдиқланади.

32. Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида тасдиқланган талабномалар Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати, ҳудудий бошқармаси ва туман (шаҳар) бўлими томонидан молиялаштириш учун асос ҳисобланади.

33. Талабномаларни молиялаштириш учун тўлов хужжатлари ташкилотлар томонидан қоғозда ёки электрон хужжат шаклида тақдим этилган маълумотлар асосида шаклланади.

34. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан ташкилотлар томонидан (бюджет ташкилотларидан ташқари) пенсия ва нафақалар бўйича харажатларнинг тўланиши учун келиб тушган маблағларни кирим қилиш учун ташкилотлар, уларнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банкларда 888 ШХР билан иккиламчи ҳисобварақларни очадилар.

Бунда, Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган 888 ШХРга эга иккиламчи ҳисобварақларига келиб тушадиган маблағларга, Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) белгиланган

тартибда ташкилотларнинг банк ҳисобварақларида пул маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда, уларни ҳисобдан чиқариш татбиқ этилмайди.

35. Ҳазна ижроси билан қамраб олинмаган бюджет ташкилотларига Пенсия жамғармасининг тегишли туман (шаҳар) бўлимлари пенсия ва нафақалар бўйича харажатларни тўлаш учун маблағларни уларнинг бюджет маблағлари бўйича тегишли депозит ҳисобварақларига ўтказди.

Ҳазна ижроси билан қамраб олинган бюджет ташкилотлари бўйича Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари пенсия ва нафақалар бўйича харажатларни тўлаш учун маблағларни тегишли шахсий Ҳазна ҳисобварағига ўтказди.

Бунда, бюджет ташкилотлари тегишли бюджет таснифи моддалари бўйича алоҳида талабнома тузади ва харажатлар амалга ошириладиган ушбу моддаларнинг (депозит ва шахсий) ҳисобварақларини белгилаб кўрсатади.

36. Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари томонидан тақдим этилган умумлаштирилган талабномаларга асосан:

жорий тўлов ойининг ўн бешинчи санасигача — ўтган ойнинг эҳтиёжи ҳисоб-китобидан келиб чиқиб 50% миқдордаги суммани;

жорий тўлов ойининг йигирма еттинчи санасигача — амалдаги эҳтиёжнинг тақдим этилган миқдоридан қолган суммани молиялаштиради.

37. Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратидан келиб тушган маблағларни икки иш куни давомида Пенсия жамғармасининг тегишли туман (шаҳар) бўлимларига молиялаштирилишини амалга ошириши лозим.

38. Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармасидан келиб тушган маблағларни тақдим этилган талабномаларга асосан икки иш куни давомида тегишли ташкилотларга молиялаштирилишини амалга ошириши шарт.

39. Ташкилотларни молиялаштириш учун тўлов ҳужжатлари фақат Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи (вазифасини бажарувчи шахс) томонидан имзоланиши лозим.

Ташкилотларни молиялаштириш учун тўлов ҳужжатлари Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида қайд этилади.

40. Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари ташкилотлардан талабномаларни олишлари билан маблағларни белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларнинг 888 ШХРга эга иккиламчи ҳисобварақларига ва бюджет ташкилотларининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақларига ўтказадилар. Бунда, бюджет ташкилотлари Ҳазна ижроси билан қамраб олинган бўлса, бюджет ташкилотига тегишли маблағлар тегишли шахсий Ҳазна ҳисобварағига ўтказилади.

Пенсия ва нафақа тўлови учун олинган маблағлар қатъий назоратда бўлиши ва фақатгина талабномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилиши шарт. Ҳисоб-китобларда керакли суммаларни қасддан бузиб кўрсатишга ва улардан мақсадга номувофиқ фойдаланишга йўл қўйган мансабдор

шахслар конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўлов интизомига риоя этилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

41. Ташкилотлар (бюджет ташкилотларидан ташқари) ўз маблағлари мавжуд бўлган ҳолларда, кейинчалик тўланган суммаларни Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш эвазига пенсиялар ва нафақаларни иш ҳақини тўлаш кунда ўз маблағлари ҳисобидан тўлашни амалга ошириш ҳуқуқига эгалар. Ташкилотлар томонидан тўланган суммаларнинг қопланиши Пенсия жамғармасидан олинган маблағлар 888 ШХРга эга иккиламчи ҳисобварағидан харажатлар тўлаб берилган асосий ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига алоҳида тоифадаги фуқароларга бериладиган ойлик компенсация пул тўловларини ва бир марталик бола туғилиши муносабати билан бериладиган нафақаларни тўлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мазкур Низомда белгиланган тартибда Пенсия жамғармаси орқали амалга оширилади.

5-боб. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадалларининг тўланиши, шунингдек маблағларининг сарфланиши ҳисоби, ҳисоботи ва назорати

42. Ташкилотлар ягона ижтимоий тўлов тўланиши бўйича ҳисоб-китобларни ўзлари солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинган давлат солиқ хизмати органлари билан юритадилар.

43. Ташкилотлар (кредит ташкилотларидан ташқари) иш ҳақи тарзидаги даромадлардан ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари суммасини ҳисоблаб ёзиш, шунингдек пенсия ва нафақа тўлови харажатларини қопланишини белгиланган тартибда амалга оширадилар ва уни қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирадилар:

а) иш ҳақи тарзидаги даромадлардан ягона ижтимоий тўлов суммалари харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (2000, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400) 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағи кредити бўйича акс этирилади;

б) фуқароларнинг иш ҳақи тарзидаги даромадлардан ушланган суғурта бадаллари суммалари 6710 «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағининг кредити бўйича акс этирилади;

в) тегишли пенсиялар ва нафақаларнинг талаб қилинган суммалари 6710 «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи 4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» ҳисобварағи дебети бўйича акс этирилади;

г) тегишли маблағ суммаларининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан келиб тушиши 4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» ҳисобварағида пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети бўйича акс этирилади;

д) ходимларга тегишли пенсиялар ва нафақалар бўйича маблағлар суммаси тўлови пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида 6710 «Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг дебети бўйича акс этирилади.

44. Кредит ташкилотлари (банклар ва микрокредит ташкилотлари) томонидан иш ҳақи тарзидаги даромадлардан ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари суммасини ҳисоблаб ёзиш, шунингдек пенсия ва нафақа тўлови харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) асосан амалга оширилади.

45. Бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобида иш ҳақи тарзидаги даромадлардан ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг суғурта бадаллари суммасини ҳисоблаб ёзилиши ва ўтказилиши, шунингдек пенсиялар ва нафақалар тўловларининг акс этирилиши Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

46. Давлат солиқ хизмати органлари белгиланган тартибда ўзларининг юқори турувчи органларига чораклик ҳисоботлар тақдим этади.

Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари белгиланган тартибда Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратига ойлик йиғма ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этади.

47. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратига:

келиб тушган мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар, шунингдек мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг турлари бўйича қарздорлик тўғрисида тезкор ҳисоботни — ҳар ойда кейинги ҳисобот ойининг ўнинчи санасига қадар;

мажбурий тўловлар, бадаллар ва бошқа тўловлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича ҳисоботни — ташкилотларнинг чораклик ва йиллик ҳисоботлари топширилгандан сўнг 15 кун ичида тақдим этади.

48. Давлат солиқ хизмати органлари, Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар бўйича Ҳазначилик бўлинмалари ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг саккизинчи санасига қадар Пенсия жамғармасига келиб тушган маблағ турлари бўйича солиштиришни амалга оширадilar.

Солиштириш натижалари ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига бошқа тушумлар бўйича ҳақиқий тушум миқдори тўғрисидаги солиштирма далолатнома уч нусхада расмийлаштирилади.

Солиштирма далолатноманинг биттадан нусхаси давлат солиқ хизмати органига, туман (шаҳар) бўйича Ҳазначилик бўлинмасига ва Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимига тақдим этилади.

Солиштирма далолатномалар нусхалари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Ҳазначилик бошқармаларига, давлат солиқ хизмати органлари ҳудудий бошқармалари ва Пенсия

жамғармаси ҳудудий бошқармаларига келгуси кундан кеч қолмаган ҳолда етказиб берилади.

49. Давлат солиқ хизмати ҳудудий бошқармалари, Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармаларига ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар Пенсия жамғармасига келиб тушган маблағ турлари бўйича солиштиришни амалга оширадilar.

Солиштириш натижалари ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига бошқа тушумлар бўйича ҳақиқий тушум миқдори тўғрисидаги солиштирма далолатнома уч нусхада расмийлаштирилади.

Солиштирма далолатноманинг биттадан нусхаси Давлат солиқ хизмати органи ҳудудий бошқармасида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармасида ва Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармасида қолдирилади.

Солиштирма далолатнома нусхалари келгуси кундан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига ва Давлат солиқ қўмитасига ҳамда Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратида етказиб берилади.

50. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппарати ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига бошқа тушумлар бўйича ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг йигирманчи санасига қадар ўсиб боровчи яқун билан солиштирма далолатномалар тузадilar.

Солиштирма далолатномалар бир нусхадан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги Ғазначилиги ва Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратида қолдирилади.

51. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппарати ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тушган маблағлар ва уларнинг сарфланиши тўғрисида йиғма ҳисобот тақдим этади.

52. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ягона ижтимоий тўлов бўйича келиб тушган маблағлар ва уларнинг сарфланишига тааллуқли қўшимча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашидан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар ва фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисоб-китобларининг тўғрилиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ташкилотлар томонидан Қонунга мувофиқ Пенсия жамғармаси харажатларини тўлиқ ва ўз вақтида қопланиши юзасидан назорат Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ташкилотларга нисбатан ягона ижтимоий тўлов ва Пенсия жамғармасига фуқа-

роларнинг суғурта бадалларини ҳисоблаш тартиби ва тўлов муддатларини бузганлиги учун жавобгарлик чораларини қўллайдилар.

54. Пенсия ва нафақалар тўлови харажатларини ўз вақтида молиялаштирилиши устидан мониторинг Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади.

6-боб. Яқуний қоида

55. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Меҳнат вазири

А. АБДУХАКИМОВ

2016 йил 5 октябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2016 йил 5 октябрь

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилот-
лар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа
тўловлар учун харажатлар амалга
оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

СТИР 0 1 - варақХужжат тури / Ҳисобот даври: ой чорак Ҳисобот йили:

Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

**Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия
таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси «б» бандига мувофиқ
тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини қоплаш бўйича маблағ
тўлаган тўловчи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Ташкилотнинг тўлиқ номи _____

Ишловчилар сони Киши Микрофирма Кичик корхона Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси қўйилади)Давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси

Юридик манзили _____

Почта манзили _____

Юқори ташкилот _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____

Банк реквизитлари _____

Телефон: код рақам Ўлчов бирлиги сўмҲисоб-китобни тақдим этиш муддати
(кун/ой/йил)_____ га тақдим этилади
(солиқ ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органи)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--

0 2 -варақ

**Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «б» бандига мувофиқ тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини қоплаш бўйича
ҲИСОБ-КИТОБ***

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Йиллик сумма
Пенсия жамғармаси бўлими маълумотлари асосида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «б» банди бўйича тайинланган пенсияларни олдинги йил учун тўлашга ҳисобланган харажатларни қоплаш суммаси	010	сўм	
Ўтказилиши лозим бўлган минимал сумма (ҳисоб-китобнинг 023-сатри x 0,03 x 0,6)	020	сўм	
«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «б» бандида назарда тутилган ишчи ўринлар сони	021	бирлик	
Олдинги йилдаги маълумотлар бўйича кўрсатилган ишларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони	022	бирлик	
«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «б» бандида назарда тутилган ишчи ўринларида банд бўлган барча ходимларга тўланган йиллик иш ҳақи суммаси	023	сўм	
Пенсия жамғармасига тўланиши лозим бўлган сумма (агар 010 > 020 бўлса, 010 қатор бўйича сумма қўйилади, агар 010 < 020 бўлса, 020 қатор бўйича сумма қўйилади)	030	сўм	

* Ҳисобот йилида бир мартаба 1 февралга қадар тақдим этилади.

Раҳбар

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

_____ (имзо)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА

Ташкилот штампи

_____ Пенсия
жамгармасининг туман (шаҳар) бўлимига
_____ бўйича
(ташкilotнинг тўлиқ номи)

Пенсия жамгармасининг
туман (шаҳар) бўлимининг
штампи ёки белгиси

Банк реквизитлари _____
(банк номи, МФО, ҳисобварақ рақами)

Олинди _____
(талабномани қабул қилган ходимнинг имзоси)

СТИР _____
Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони: _____

**20__ йил _____ учун харажатларни
тўлашга Пенсия жамгармасидан маблағларни олишга
ТАЛАБНОМА***

Т/р	Кўрсаткичлар	Пенсия ва нафақалар олувчилар сони	Ҳақиқатдаги харажатлар, сўмда	Шу жумладан ўтган давр учун, сўмда
1	2	3	4	5
1.	Ишловчи пенсионерларга пенсия шу жумладан:			
	а) 100% олувчиларга			
	б) 50% олувчиларга			
2.	Бола туғилганда бериладиган нафақалар			
3.	Дафн этиш маросими учун нафақалар			
4.	16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналаридан бирига қўшимча дам олиш кунлари ҳақининг тўлови			
5.	Уй-жой-коммунал хизматлар бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловлари			
	Шу жумладан, қуйидагиларни олувчиларга:			
	а) энг кам иш ҳақи миқдорининг 45%ини			
	б) энг кам иш ҳақи миқдорининг 25%ини			
	ЖАМИ:			

* Ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар реестр мажбурий илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

Ташкилотнинг раҳбари _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

Ижтимоий суғурталаш
бўйича комиссия раиси _____
(имзо)

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

ЭЛЕКТРОН ТАЛАБНОМА

Ташкилот номи:

Ташкилот СТИРи:

Ташкилот КТУТи:

Ҳисоб рақам тури (ғазна ёки банк):

Банк коди:

Ташкилотнинг ҳисоб-китоб (ғазна) ҳисобварағи:

Даври (талабнома тақдим этилаётган):

Т/р	Ф.И.Ш.	Жисмоний шахс СТИРи	Пенсия иши рақами	Воқеа санаси (туғилиш/ўлим)	ФХДЁ хужжати серияси	ФХДЁ хужжати рақами	ФХДЁ хужжати берилган сана	ФХДЁ далолатномаси ёзуви рақами

Жадвалнинг давоми

Т/р	Жорий давр пенсияси суммаси	Олдинги давр пенсияси суммаси	Бола туғилганда нафақа	Дафн маросими учун нафақа	Жорий давр компенсацияси (45%)	Ўтган давр компенсацияси (45%)	Жорий давр компенсацияси (25%)	Ўтган давр компенсацияси (25%)	16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналаридан бирига дам олиш қўнлари ҳақи

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Ташкилот штампи

_____ Пенсия
жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига
_____ дан
(ташкилотнинг тўлиқ номи)

СТИР _____

**20__ йил _____ да Пенсия жамғармасидан пенсия ва нафақалар
тўлови учун маблағ олишга ташкилотнинг ходимлари
РЕЕСТРИ**

Т/р	Ф.И.Ш.	Жисмоний шахс СТИРи*	Пенсия иши рақами	Воқеа санаси (туғилиш/ўлим)	Хужжат серияси	Хужжат рақами	Хужжатда берилган сана	ФҲДЁ далолатномаси ёзуви рақами	Ким томондан берилган	Тўлов физи	Тўлов суммаси (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
	Ишловчи пенсионерларга пенсиялар										
	ЖАМИ:										
	Бола туғилганда нафақалар										
	ЖАМИ:										
	Дафн маросими учун нафақа										
	ЖАМИ:										

Т/р	Ф.И.Ш.	Жисмоний шахс СТИРи*	Пенсия иши рақами	Воқеа санаси (туғилиш/ ўлим)	Хужжат серияси	Хужжат рақами	Хужжатда берилган сана	ФХДЁ дало- латномаси ёзуви рақами	Ким томондан берилган	Тўлов фоизи	Тўлов суммаси (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
	16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналаридан бирига қўшимча дам олиш кунлари ҳақининг тўлови										
	ЖАМИ:										
	Уй-жой-коммунал хизматлар бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловлари										
	ЖАМИ:										
	ҲАММАСИ:	х	х	х	х	х	х	х	х	х	

Изоҳ: * Солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилиши шарт.

Ташкилотнинг раҳбари

(имзо)

Бош бухгалтер

(имзо)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)

Ижтимоий суғурталаш
бўйича комиссия раиси

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил
5 октябрдаги 78, 2016-34 ва
341-В-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 9 августдаги 47, 2011-25 ва 23/2-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2262, 2011 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 383-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 29 ноябрдаги 84, 2012-35 ва 32/1-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2262-1, 2013 йил 3 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 11-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 20 ноябрдаги 106, 2013-45 ва 320-В-2-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2262-2, 2013 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 51-сон, 681-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 7 майдаги 39, 2015-16 ва 320-В-3-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2262-3, 2015 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 21-сон, 280-модда).